

фарқланиши, %

Хулоса. Бройлер гўшти етиштиришда озука рационига 5 %-ли ипак ғумбаги берилган жўжаларда гўшт маҳсулдорлиги устунлик қилди.

Фойдаланилгана дабиётлар

- 1.Буяров, В. С. Как в рекордные сроки вырастить супербройлера. /В. С. Буяров // Животноводство России. -2005. -Май. - С. 19-20.
- 2.Буяров, В. С. Оптимальный микроклимат как элемент энерго- и ресурсосбережения в животноводстве и птицеводстве / В. С. Буяров, В.А.Бородин // Сб. науч. тр. ученых Орловской области / Орловский ГТУ. - Орел, 1999. - С. 129-130.
- 3.Соболева, У. Эффективность выращивания крупных бройлеров. Птицеводство. 1986.№11. С.38-39.
- 4.Столляр, Т. А. Новые технологии в птицеводстве. Ж. Животноводство России. -2004. Август. С.50-51.
- 5.Хасанов, И. Тенденции развития мирового птицеводства. Ж. Птицеводство. 1977. №5. С.36-38.

БРОЙЛЕР ГЎШТИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Турганбаев Р.У., Жолдасбаев Б.А., Калилаева Ж.Б.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада бройлер гўшти етиштириш бўйича хорижий тажрибалар таҳлили, уларни қўллаш усуллари ва янги технологиялар келтирилган ва “кобб-500” бройлер кросси жўжаларининг келиб чиқиши, ўсиш динамикаси бўйича тарифлар берилган.

Калит сўзлар. бройлер гўшти, хорижий тажрибалар, кобб-500” кросси, келиб чиқиши, ўсиш динамикаси

Кириш. ФАО маълумотларига кўра, айти пайтда жаҳондабарча турдаги гўштнинг умумий ишлаб чиқарилиши 308,2 миллион тоннани ташкил этган бўлса, жумладан парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми 106,4 миллион тоннадан ортиқ, Мутахассисларнинг фикрича, 2026 йилга бориб парранда гўшти етиштириш кўпайиб, солиштирама оғирлиги бўйича у бошқа турдаги ҳайвонлар гўштига нисбатан етакчи ўринни эгаллайди.

[3] маълумотларида келтирилишича, жаҳонда бугунги кунда бройлер гўштини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг ҳозирги ҳолатининг таҳили бўйича паррандачилик маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб ортиб бораётганлиги ва келажакда янада ошиши тўғрисида хулоса қилади.

Бройлер гўшти етиштириш бўйича лидер давлатлар қаторига АҚШ, Хитой, Бразилия ва Европа иттифоқи (ЕС) давлатлари қиради ва мана ушбу давлатларда бройлер гўшт етиштириш билан биргаликда уни қайта ишлаш саноатининг ривожланлиги айтилади.

Кўп сонли соҳа олимларининг таъкидлашича, Турманистон республикаси шароитида [5] бройлер гўшти етиштиришда селекция ва технологик усуллардан фойдаланишни, Россия федерациясида [4] паррандачиликни саноат асосида олиб боришни таклиф қилади. Бройлер гўшти етиштириш асосан, озик-овқат дастури таъминланишининг энг муҳим йўналиши бўлиб, шуни таъкидлаш мумкинки, парранда гўшти ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан соя ва маккажўхори кенг миқёсда ишлаб чиқарилган мамлакатларда кузатилмоқда [1, 2] таъкидлашича, жаҳонда парранда гўшти 2015 йил маълумотига қараганда 94 млн. тоннани ташкил қилган. Муаллифнинг маълумотларига асос дунёда парранда гўшти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида бройлер товук гўштининг улуши 89% ни ташкил қилади.

Жаҳон чорвачилик соҳасининг ривожланиши шуни кўрсатадики, чорвачиликда гўшт ишлаб чиқариш бўйича бошқа ҳайвонлар турига қараганда парранда гўштини ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланмоқда. Бройлер жўжаларини жадал ўсиши ва сарфланган озукаларга нисбатан юқори сифатли арзон гўшт етиштириш, қисқа вақт ичида қилинган харажатларнинг қопланиши ҳамда аҳолининг парҳез парранда гўштига бўлган талабининг ошиши сабабли бройлер йўналишидаги паррандачиликка қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Туркия давлатида бўлиб ўтган жаҳон паррандачили конгрессида бир қатор олимлар сўзлаган нутқида шуни қайд қиладики, парранда гўштига талаб ошиб бораятганлигини, айниқса бройлер гўшти етиштиришнинг улуши ошиб бораятганлигини таъкидлайди.

АҚШ олимлари тажрибаларига кўра, парранларнинг тирик вазнига таъсир килувчи ген мавжудлигини таъкидлайди ва айнан мана шундай генлар таъсирида паррандаларда озиш хусусиятларининг кузатилиши таъкидланади.

Италия олими ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлашича, озуқларга ингредиентлар қўшиш орқали гўшт чиқими уларнинг кимъёвий таркиби самарадорлигини ошириш имкониёти мавжудлиги қайд этади.

“КОББ-500” Бройлер кросси жўжаларига таъриф.

Кооб-500 бройлер кросс жўжалари дастлаб Чехияда етиштирилган бўлиб, ва бугунги кунда бошқа давлатларга, шу жумладан Россияга келтирилган. Ушбу кроссни яратишда бир нечта товук зотлари иштирок этган ва натижада юқори маҳсулдорли дурагай авлодлар олинган. Юқори маҳсулдорли дурагай авлодлар олишда маълум бир зот ёки линиянинг хўрози билан келиб чиқиши бўйича бутунлай фарқланадиган товук билан жуфтланади ва натижада улардан олинган жўжалар гетерозиснинг таъсири туфайли биолгик ва маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича ота-онасидан устун туради. Бройлерларда асосий нарса тирик вазн ўсиш суръати ва мушакларнинг ривожланиши, шунинг учун дурагай кроссларни яратишда авлодларнинг айнан мана шу бошланғич шакллари ҳисобга олинади, шунинг учун дурагай кроссларда ўсиш ва эрта етуклик сифатига эгаллиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, яратилган бройлер дурагай авлодлари ота-онаси бройлерлар эмас, балки маҳсус танланган линиялар ёки дурагайлардир. Агар кроссни

яратишда иккита бошланғич шакл иштирок этса, бу гидрид икки линияли деб аталади, баъзан эса тўртта бўлса, дурагай тўрт линияли бўлади.

“Кобб-500” бройлер кроссини яратишда бир вақтнинг ўзида саккиз зотни жуфтлаш орқали олинган, ва уларнинг баъзилари селекция натижасида етиштирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, хонадон шароитида Собб-500 бройлерларини етиштириш деярли ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Ушбу бройлер кроссларининг қисқа муддат ичида гўштдорлик коэффиценти юқорилиги билан ажралиб туради.

Собб 500 бройлерларининг ўсиш суръати шунчалик юқорики, кросс авлодларини 40 кунлик ёшида сотиш учун тайёрлаш тавсия этилиши ва бу вақтга келиб, Собб 500 бройлер тирик вазни 2,5 кг ни ташкил қилади. Ташқи кўриниши томонидан, бу кросс авлодлари кучлитанаси, кенг ва яхши ривожланган орқа, кўкрак ва оёқларга эгадир.

Собб-500 бройлерини Ўзбекистон шароитида сақлашнинг қулайлик томонлари шундаки, ҳудуднинг иссиқ ҳарорати уларга қулайли ҳисобланиб, тирик вазнининг жадал ошишига замин яратади.

Кобб-500 бройлерининг афзаллик томонлари шундаки, уларни узоқ муддат сақлаганда ҳам тирик вазн ортиришдан тўхтамайди. Уларни 2,5 ойгача сақлашда " 4,5 кг гача, ва алоҳида парвариш билан сақланганлари эса, 5,5 кг гача тирик вазнга эга бўладилар.

Уларни озиклантиришда етарли миқдордаги витаминлар ва минераллар зарур бўлади ва озукани танлашга вақт сарфламаслик учун олдиндан тайёрланган озукаларни бериш тавсия қилинади. Тирик вазн жадал ортиши учун кўшимча махсус озукалар қўшиш тавсия этилган ҳолда, асосий озукалар сифатида дон аралашмалари, илдиз мевали, сабзавотлар, ўтлар ва намланган кракерлар зарурдир.



1-расм. Кобб-500 кроссбройлержўжалари

Бройлер жўжалар бошқа қишлоқ хўжалик паррандаларига қараганда ўсиш суръатининг тезлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун уларни биринчи кунданок тўлиқ рационли омухта ем, таркиби мувозанатлашган озуқа билан боқиш муҳим аҳамиятга эга. Бройлер жўжаларини озиклантириш 3

даврга (бошланғич 1-10 кун, ўсиш 11-24 кун ва якуний 25 кун ва ундан юқори) ёки 2 даврга бошланғич (1-4 ҳафталик) ва якуний (5 ҳафта ва ундан юқори) даврга бўлинади.

Юқорида қайд этилган 5-6 ҳафтада етилувчи бройлерларни ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини қўллаган паррандачилик хўжаликлари юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Бройлерларни гўшт учун етиштиришда 6 ҳафталик ёшида тирик вазни 2,4—2,7 кг, озуқа конверсияси (1 кг парранда тирик вазни етиштириш учун сарфланадиган озуқа миқдори) эса 1,4—1,8 кг ва сақланиши кўрсаткичи 97 фоизга етади.

Хулоса. Юқоридаги келтирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлилидан айтиш мумкинки, Ўзбекистон шароитида Кобб-500 кроссига мансуб бройлер жўжаларини гўшт учун етиштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Агеечкин, А.П. Промышленное птицеводство /А.П.Агеечкин, Ф.Ф.Алексеев, А.В.Аралов и др.// Под общ.ред. В.И. Фисинина.- Сергиев Посад.-2010.- 600с.

2. Гуцин, В.В. Современные проблемы птицеперерабатывающей отрасли и пути их решения / В. В. Гуцин // Птица и птицепродукты. -2006. - №6. -С. 7-10.

3. Романова, Т. В. Современное состояние производства и реализации мяса бройлеров в странах мира / Т. В. Романова // Вестник науки. – 2022. – Т. 4. – № 10(55). – С. 33–45.

4. Фисинин, В. И. Промышленное птицеводство: стратегия развития /В. И. Фисинин // Агрорынок. -2006. -Апрель. -С. 6-10.

5. Чарыев Аннабайрам Бяшимович. Селекционные, технологические методы и приемы эффективного производства мяса бройлеров Диссертация на соискание ученой степени доктора сельскохозяйственных наук Уфа-2017. с.270.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИКНИНГ ҲОЗИРГИ ХОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Турганбаев Р.У., Глеумуратов А.К.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Бугунги кунда дунёнинг 40 дан зиёдроқ мамлакатларида қорақўл қўйлар урчитилиб, уларнинг сони 18 млн. бошни ташкил этади. Қорақўл қўй зотининг жуда юқори яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусияти сабабли, улар урчитилаётган мамлакатларнинг экстремал яйлов шароитидан рационал фойдаланиш ва бу худудларда яшаётган аҳолининг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш имкониятини беради.